

Республикаимиз ҳукумати, хусусан, Президентимиз болалар спортини оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Мақсада эришишда Андижонда бўлиб ўтган «Баркамол авлод - 2003» мусобақалари шубҳасиз муҳим аҳамият касб этди. Бу ерда спортнинг 14 тури бўйича мусобақалар кескин курашлар остида ўтди. Эътиборлиси шуки, барча беллашуларда ягона руҳ - дўстлик ва биродарлик руҳи барқарор бўлди. Салобатли майдон узра порлаб турган, ёшлар қалбининг тимсоли бўлмиш ажойиб машъалага назар ташлаган киши барча хурсандчиликларимиз, фахру гуруримизни англаб етганлиги табиий ҳолдир.

Энг муҳими, ҳажсонли мусобақалар юксак савияда, галабага интилиш, ҳалоллик ва мардлик доирасида ўтди. Улар ёшларимизга қанот бағишлади. Хулосаси шуки, «Баркамол авлод» бу ёшларнинг жисмоний соғломлаштириш анжуманига эмас, балки республика миқёсида бағоят муҳим воқеадир.

Газетамизнинг 3-саҳифасида «Баркамол авлод - 2003» спорт мусобақалари якунига бағишланган мақолалар эълон қилинган.

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 13 июн, жума № 91 (1516)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ёзги соғломлаштириш — катта имтиҳон

СЎЛИМ МАСКАНЛАР

Ўғил-қизларни ўз бағрига олмоқда

Ёз гаши ўзгача. Бу фаслда сўлим табиат кўйида, зилол сувлардан баҳра олиб, кўнгилли дам олганга нима етсин. Бир чети пишиқчилик. Энг сара мева-чева, сабзавот маҳсулотлари дастурхонга тортиқ қилинса янада яхши. Шу боис ўғил-қизларимиз оромгоҳлар кўйига ошқадилар. Ҳўш, бу борада Наманган вилояти бўйича қандай тайёргарлик кўрилди? Масъулиятли мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш учун ҳамма нарса шайми?

Болажонлар ёзги таътил кунларини намунали ташкил этиш учун аниқ тадбирлар амалга оширилди, - дейди вилоят касабга уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари Р.Деҳқоновна. - Аввало оромгоҳларда фаолият юритадиган 323 нафар педагог кадрлар сифат таркибига алоҳида эътибор берилди. Малакали тиббиёт ходимлари тегишли асбоб-ускуналар, дори-дармонлар билан бутланган махсус хоналарда фаолият бошлади. Утган йил сабоқларидан хулоса чиқариб, мутаассадди ҳўжалик, корхона ва ташкилотлар озиқ-овқат маҳсулотларини илоҳи борича сифатли ва вақтида етказиб беришларини таъминлашга ҳаракат қилинайти. Касабга уюшмалари тизимидеги 17 та оромгоҳда ёз осоз ўтиши кутулкимоқда.

Бу йил вилоят бўйича кўндан-кўн ўғил-қиз соғломлаштирилди. Таквильлашларича, «Махалла» жағмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда минг нафар кам таъминланган болаларга хомийлик қилинмоқда. 2500 нафар болажонлар эса мактаблар қошида ташкил

С.АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири

Мухбир нуқтаи назари

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ СЎНМАСИН

«Сурхондарёавтоўл» акционерлик бирлашмасига қарашли «Вахшвор» болалар оромгоҳи. Мусаффо ҳаво, ён-атрофдаги дов-дараклар, гуллар бу ерга қадам ранжиде қилишигиз билан эътиборингизни тортади. Сўлим масканда мавсумга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилган. Ҳадемай бу ерларда бахтли болажонларнинг шўх кулгилари янграйди. Ён-атроф саранжом-саришта. Таквильлаш жоиз, ётоқхоналарни, ошхоналарни таъмирлаш, уларни керакли жиҳозлар билан таъминлаш ишлари бу йил нисбатан қўйин кечди. Кетма-кет ёғингарчиликлар муайян даражада ўз таъсирини кўрсатган бўлсада, мутаассаддилар қўшимча имкониятларни ишга солиб мақсадага еришилди.

Маъжур оромгоҳ 300 нафар меҳнатқашлар фарзандини бағрига олади. Қўшимча икки қаватли ётоқхона қурилиши тугаланиши арафасида. Бу йил спорт майдончалари, турли тўғараклар, ажойиб кутубхонага илоҳи борича кўпроқ ёшлар жалб этилади. Акционерлик бирлашмаси оромгоҳини мавсумга тайёргарлик ишларига бош-қў бўлди. Сув, электр энергияси, ошхона жиҳозлари учун қўшимча маблағ ажратилди. Корхона касабга уюшма кўмитаси эса спорт анжомлари, китоб харид қилишга алоҳида эътибор қаратади.

Бу йил ота-оналар фарзандлари билан бир вақтда дам олиб, кўнгилли хордиқ чиқаришлари мумкин, - дейди оромгоҳ раҳбари Абдувоси Каримов. - Ажойиб боғимиз бор. Мева-сабзавот фарқ пичган. Демак, дастурхонимиз тўқин-сочин бўлади. Шунингдек, мавсум давомида озиқ-овқат маҳсулотлари узлуқсиз бўлишига эришиш учун қатор савдо корхоналари билан шартнома тuzилган.

Бахтга қарши, муҳим ишга барча ерда бирдек муносабатда бўлинадиган, дейиш қўйин. Узун туман халқ таълими бўлимига қарашли Х.Қўлиёзов номи оромгоҳда биз борган кун ҳам мавсумга тайёргарлик ишлари ўлда-жўлда эди. Ётоқхона, ошхонани жуда кеч таъмирлашга киришилган. Чамаси бу ерда ўтган йилги сабоқлардан хулоса чиқарилмаган кўринади. Аслида таъмирлаш ишлари май ойининг охирилариде ниҳоясига етказилиши керак эди. Кимлардир ёғингарчилик кўп бўлганини рўқач қилишапти. Асосий касал шундаки, муҳим ишга сансалдорликка, ўзибўларчиликка йўл қўйилмоқда. Ёзги соғломлаштириш мавсуми бошланиб кетди. Бу аллоҳда Х.Қўлиёзов номи оромгоҳ қачон ўқувчиларни ўз бағрига олади? Бу саволга тайинли жавоб беришолмади.


«Сурхондарётранс» автомобилда юк ва йўловчи ташуш уюшмасига қарашли «Чашма» болалар оромгоҳида ҳам тайёргарлик ишлари ҳанузгача тугалланган. Вақоланки, муҳим ишга мутаассадди бўлган Тошўлат Сатторовнинг таъкидлашича, 10 июндан биринчи навбат болаларни қабул қилиш кўзда тутилганди. Бу ерда 350 нафар бола дам олдириши керак. Бирок мутаассаддилар иш ўрнига турли сабабларни рўқач қилишдан нарига ўтишмаяпти.

Изаган имкон топади, дейдилар. Мавсум масъулиятини чуқур хис этган, мавжуд имкониятлардан умумли фойдаланиб, мутаассадди ҳўжалик, корхона ва ташкилотлар билан ҳамжиҳат фаолият юритаётган жойларда ёзги соғломлаштириш ушўқоқлик билан бошлаб юборилди. Бирок кимлардир болажонлар олдиде уялиб қолишмасе бўлгани.

Ю.ОЧИЛДИЕВ, «Ишонч» мухбири



Айни пайтда Амударёнинг қўйи оқими Хоразм вилоятининг Ҳазорасп тумани ва Қорақалпоғистон Республикасининг Тўртқўл туманларини бириктиришчи катта кўприк қурилиши жадал сурьатлар билан олиб борилмоқда. Ҳозиргача бу улкан иншоотнинг бешинчи қисми монтаж қилиниб тугалланди. Қурилишда республикаимизнинг кўприк-қурилиш трестининг барча жамоалари фаол иштирок этмоқдалар.



Андижон, Тахиятош, Ширин ва Бекобод шаҳарларида жойлашган кўприк-қурилиш жамоаларининг 200 дан ортиқ қурувчилари бу ерда туну кун иш-жонат кўрсаиб меҳнат қилмоқдалар. Суратларда: (чапдан) қурувчилар Рашид Байрамқиличев, Илҳом Ҳўзов, Эркин Оразметов ва Унгер Жамшитовлар; кўприк қурилишида Р.ЖУМАНИЁЗОВ (Ўза) олган суратлар

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ИСЛОҲОТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА (Вазирлар Маҳкамаси қарорига шарҳ)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси сафарбарлик чакруви резервида хизмат қилишга қабул қилинган фуқароларнинг ҳарбий йигинини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди. Таъкидлаш жоизки, сафарбарлик чакруви резерви Ўзбекистон Қуроли Кучларини ислоҳ қилишда яна бир муҳим қадам бўлди.

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари резервида хизмат қилиш тўғрисида»-ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари ичхам, замонавий қурол ва техника билан жиҳозланган армия ва ҳаракатчан, замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган ҳамда етарлича таъминланган ҳарбий бўлимлари шакллантириш учун мустахкам ҳуқуқий асос яратди. Қўшинларнинг ташкилий-штарлар тузилмаси ўзгартирилди. Энди унга биноан шартнома бўйича хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар улуши сезиларли ошмоқда, мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётганлар сони эса қисқармоқда. Шу билан бирга армияни замонавий қурол-аслаҳа ва техника турлари билан қуроллантириш, қўшилмалар ва қисмларнинг жағовар тайёргарлигини тақомиллаштиришга доир устувор вазифалар белгиланди. Ҳарбий хизматчилар, авваламбор, мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларни ижтимоий химос қилишни кўчайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди. Шунингдек, фуқароларни замонавий талаблар ҳисобга олинган ҳолда ошқор ва ҳолис равишда ҳарбий хизматга чакруиш тизимини тубдан қайта қўриб чиқилди. Хизмат мuddати 1 йилгача қисқартирилди.

Армияни кадрлар билан

да яхши жисмоний ва ҳаётий мактабда чиниққандан кейин ўз уйларига қайтиб, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари резервида қабул қилинади. Ҳарбий йигинларга ёш йигитларни танлаш мудофаа ишлари бўлими томонидан туманлар (шаҳарлар) чакрув комиссиялари билан ҳамкорликда ўшбу йигинларга жалб қилинаётган шахсларнинг соғлиги, жисмоний тайёргарлиги, маълумоти ва мавжуд фуқаролик мутахассислиги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Йигинлар ҳудудий тамойил бўйича Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисмлари базасида, яъни ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ва яшаш жойига яқин тегишли ҳарбий қисмларини ўзлаштириш, ундан отиш қўнимчаларини эгаллаш бўйича назарий ва амалий машғулотлар, дала тактик машғулотлари ўтказиш, шунингдек, ёшларнинг жисмоний чиниқлигини таъминлайдиган ҳарбий-амалий спорт турлари бўйича тайёргарликни ўз ичига олади.

Давлат бюджетиде маблағлари билан бир қаторда фуқароларни сафарбарлик чакруви резервиге қабул қилишда улар тўлайдиган маблағлар ҳам йигинларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ қатор қаторлар ҳуқуқини муҳофаза қилиш органларида хизмат қилиш ёки ишга кириш, сержантлар мактаби, олий ҳарбий-ўқув билим юрталарига

қўшига кириш, ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ учун шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлади.

Маъжур қарорда ҳарбий йигинларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш жағоварлиги Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ҳарбий округлари ва Бирлашган штаб кўмондонлиги зиммасига юклатилган. Ҳарбий йигинларга жалб қилинган фуқаролар қўшилмалар ва қисмларнинг тажрибали офицерлари, мутахассислари ва командирилар раҳбарлиги ҳамда назорати остида жағовар тайёргарликдан ўтади.

Қуроли Кучларни ислоҳ қилиш доирасида сафарбарлик чакруви резервиге қабул қилинган фуқароларнинг ҳарбий тайёргарлигини ташкил этишга доир ўтказилган тадбирларнинг давлат учун аҳамиятини ҳисобга олиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокимига ўшбу қарорга мувофиқ ҳарбий округлар қўшилмалари кўмондонлиги ҳарбий йигинларни ташкил этиш ва ўтказиш, ҳарбий қисмларнинг ҳарбий йигинлар ташкил этиладиган ҳарбийлар шаҳарчаларининг зарур инфратузилмасини яратишда аниқ ёрдам кўрсатиш топширилган.

Вазирлар Маҳкамасининг сафарбарлик чакруви резервиге қабул қилинган шахсларнинг ҳарбий йигинларини ташкил этиш тўғрисидаги қарорининг амалга оширилиши энг юқори замонавий талаблар ва стандартларга жавоб берадиган, мамлакат хавфсизлиги ва ҳудудий яқинлигини ишонли химос қилишга қодир Қуроли Кучларни ислоҳ қилиш бўйича белгиланган вазифаларни тез ва самарали бажаришга ёрдам беради.

(Ўза)

Фарғона шаҳрида аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий химос қилиш мақсадида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Анжуманда шаҳар ҳудудини фойдаланиш бўлимига 60 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар ўзларидеги мингга яқин бўш иш ўринлари борасида маълумотлар беришди.

ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Шу кунги ярмаркада 650 нафар фуқаро ўзига маълум бўлган мутахассисликлар бўйича ишга жойлашиш учун йўланмаларга эга бўлди.

Бундан ташқари, иш изловчилар ишга жойлашиш ва ижтимоий химосга эга бўлиш мақсадида меҳнат қонунларида белгиланган ҳуқуқлари юзасидан малакали ҳуқуқий маслаҳатлар ҳам олишди. Ярмаркада кадрлар билан ишловчи мутахассислар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ҳам иштирок этишди.

«Туркистон-пресс»

Кейинги ойларида Тошкент шаҳри савдо шохобчалари бўйлаб ўтказилган тезкор текширувлар давомида қондабузарларга нисбатан 24 миллион сўм миқдориде маъмурий жарима қўлланилди.

Қондабузарликларнинг бири 1-шаҳар клиник шифохонаси рўпа-расидаги озиқ-овқат дўкониде содир этилган эди. Текширув ўтказилган кун дўкон оромборхонасида 384 минг сўмлик 499 шиса ароқ ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган 324 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари сақланаётганлиги маълум бўлди.

Белгиланган тартибга мувофиқ шифохоналар, ўқув юрталари, бозорлар атрофида спиртлик ичимликлар билан савдо қилиш таъқиқланган бўлишига қарамай дўкон раҳбарлари мусодара қилинган ҳужжатсиз ароқларни яширинча дўкон оромборхонасига тушириб, икми-жимиде пуллашга шайланган эканлар.

Текширув давомида бошқа қондабузарликлар ҳам аниқланди. Дўконда мавжуд нозорат касса машинасини четлаб савдо қилиш одат тусига кириб қолган экан. Уша кун 119 минг сўм савдо тусими нозорат-касса машинаси туситрасига киритилмаган экан.

HAZOPAT KACCA MAШИHAСИНИ ЧЕТЛАБ...

хусусий фирмасига қарашли умумий овқатланиш шохобчасида ўтказилган тезкор текширув давомида 153,7 минг сўм савдо пули кассадан яширилганлиги, тегишли ҳужжатлари бўлмаган маҳсулотлари билан савдо қилинаётганлиги маълум бўлди. Шу кун 89 минг сўмлик спиртлик ичимликлар, 43,2 минг сўмлик яхна ичимликлар ва бошқа ҳужжатсиз товарлар савдоси вақтинча тўхтатилди.

Бошқа савдо шохобчалари қатори бу ерда ҳам нозорат касса машиналаридан фойдаланишда жиҳдий нуқсонларга йўл қўйилмаётган эди. Тусумнинг қаттагина қисми ўз вақтида банкка топширилмаганлиги, қондабузар тусуммаси қамаетириб кўрсатилмаётганлиги маълум бўлди.

Кейинги икки ой давомида кунига ўрта ҳисобда 3,5 - 4 минг сўмдан инкассация қилиб борилган эди. Мониторинг ўтказилган кун эсе 55,6 минг сўмлик савдо қилинганлиги



Чилонзор туманидаги «У-Раён»

Жиззах шаҳридаги «Зилола текс» хиссдорлик жамиятида асосан буюртмачилар талабига мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ҳозирги кунда корхонада иккита йирик шартнома асосида иш қизгин олиб борилмоқда.

Хиссдорлик жамиятида айна чоғда бир юз йигирма нафар ишчи ва хизматчи меҳнат қилмоқда. Халқ таълими Вазирлиги буюртмасига асосан мактаб ўқувчилари учун трикотаж кийим-кечак тайёрланади. Шунингдек, Ички Ишлар Вазирлиги тендерда голиб чиқиб вазирлик эҳтиёжи учун трикотаж маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

Суратда: корхона илгорлари

И.Тўраев
(Уза) олган сурат



Фаоллар ҳақида ҳикоялар

Тўққиз йил олдинги ўша куннинг шукҳи, бетакор туйғулари унинг хотирасидан сира ўчмайди. Ҳеч қутилмаганда йиғилиш аҳли унинг номзодини «Самарқандга таъминот» корхонаси бирлашган касабга уюшма кўмитаси раислигига таклиф қилди ва ёқлаб овоз берди.

Жамоа лойиқ кўрибди, демек ишончни оқлаш керак. Дастлаб жамоанинг бундай қароридан чексиз ифтихор туйган А.Узоқов кейин жиддий ўйланди: шундай лавозимга муносиб қиришлари учун олдинги фаолиятида аргизулик бирор нима бормиди? Жамоа ишончининг бундай юқори поғоналаридан кулаб тушмаслик учун нима қилиш керак. Уй-ҳаёллар чексиз-чегарасиз эди.

Самарқанд Давлат университетини битирган А.Узоқов илмий муассасада, мактабда ишлади. 1976 йилда «Самарқандга» вилоят бошқармасига келди. Ҳамкасбларга дардқаш бўлишга интилади-ган бу серғайрат йигитни жамоа дастлаб жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган касабга уюшма кўмитаси раислигига сайлади. 1986 йилга келиб, касабқўм молиявий муастакли фаолият юридадиган даражага етган ҳам ишнинг ўзи давом эттирди.

Холисонилло айтганда, ўн уч йил касабга уюшма тизимида ишлаб бошқа ишга ўтиб кетган Абдушукур Узоқовнинг яна шу ишга қайтиши оғир вақтга тўғри келди. Республикада маъмурий-буйруқбозлик усулидан воз кечилиб, бозор иқтисодиётига ўтилиши қўллаб қорғаларни жиддий муаммоларга дуч килди. Бунинг таъсири «Самарқандга таъминот» корхонасига ҳам етиб келди. Иш ҳақи тўлашдаги узилмишлар, манфаатдорликнинг пастлиги, заиф ижтимоий ҳимояланганлик ва ҳоказо муаммолар буй кўрсатиб турарди. Корхонанинг молиявий имконияти бир қадар чекланган эди. Шу боис Абдушукур ака қўп вақт бухгалтерияда ўтирар, ҳисобчилар билан биргаликда имконият қидирарди. Раҳбарлар билан маслаҳатлашар, ишчиларнинг фикрларини ўргатарди. Энг аввало жамоа аъзоларини уюштириш, иноқлаштириш учун маданият, спорт тадбирларининг изчиллигини таъминлашга киришди. Мақсадига эришди ҳам. Корхонада бадий ҳаваскорлик дастаси, доимий спорт жамоалари вуужда келди. Уларнинг вилоят миқёсидаги турли мусобақалар, кўрик-танловлардаги муваффақияти одамларнинг кайфиятини кўтарди, ташаббускорлик ва ташкилотчилик хислатларини уйғотди. Пировардида корхона бадий ҳаваскорлари республика тармок танловининг совриндорларидан бири бўлди.

Корхонамизда мини футбол жамоасини ташкил қилишга киришилганда айрим кишилар бу навбатдаги ҳайбаракалликлик, деб қарашди. Лекин А.Узоқовнинг қатъияти, спортчи йигитларнинг интилиши, орзуларини рўёбга чикарди. - дейди корхона устаси, мини футбол жамоаси сардори Акбар Яъқов. - Биз республика мусобақасида иккинчи ўринга қўмиталиб, тармок касабга уюшма Марказий кўмитасининг соврини - телевизорни қўлга киритдик. Ҳозир корхонамизда спортнинг бошқа турларига ҳам эътибор катта. Теннис, волейбол жамоалари ҳам вилоятда ўз ўрнига эга. Спорт ходимларини соғломлаштириш билан бирга меҳнат унуми ошишига ҳам ёрдам берапти.

Кейинги беш-олти йил ичида корхона касабқўми таклифи билан ходимлар учун бир қанча имтиёзлар, қулай иш ва дам олиш шароитлари яратилди. Жумладан, вилоятда биринчилардан бўлиб «Самарқандга таъминот» корхонасида аёллар учун иш вақтини қисқарттириш, ходимларга ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар бериш каби имтиёзлар қўлланиладиган бўлди. Эндиликда жамоа шартномасига киритилган бу каби имтиёзлар анчагина. Шунга қўра ходимларнинг давоилан ҳаражатлари корхона ҳисобидан қопланади. Санаторий йўлланмаларнинг 90 фоизини маъмурият ва касабқўм тўлаб беради. Ходимларнинг тўйларига энг кам иш ҳақининг 10, таъзия маросимларига 15, 50 ёшга етганларга энг кам иш ҳақининг 10, нафақа чиқарганларга 15 баробари миқдорда моддий ёрдам ажратилапти.

Кам даромадли оилаларга доимий моддий ёрдам кўрсатишмоқда. Масалан, икки нафар ходимнинг уйлари корхона ҳисобидан газлаштириб берилди. Бири Ургутда, бири Самарқанд шаҳрида. Шу йил

лар мобайнида қилинган ишларнинг энг диққатга сазовори, корхона ходимлари учун Ургутнинг тоғли ҳудудида дам олиш маскани қурилганидир. Бу ерда 6 та коттеж тилда-ги бино бўлиб, бир йўла кирқ кишини қабул қилиши мумкин. Шундай қилиб, ходимларни соғломлаштириш, дам олдириш имкониятлари кенгайди.

Ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса, бу иш маблаг билан боғлиқ бўлса, осон эмас. Чунки ҳўжалик юритувчи раҳбарлар у-бу таклифларни қабул қилинганда қўшимча маблағ талаб этилади. А.Узоқов бундай тажрибадан бебаҳра эмас. Бурунги йили корхона тасарруфидоги автогараж ходими Санъат Аминованинг уйига фалокат босиб, ўт тушди. Оила катта зарар кўрди. У ёрдамга жуда муҳтож бўлса-да, автогараж раҳбари ҳа деганда чора топавермади. А.Узоқов фурсатини топиб, раҳбар билан анча гаплашди. Қўп йиллардан бери бошқаларга намуна кўрсатиб ишлаётган ходимга шундай вазиетда ёрдам бермаслик на раҳбарлик, на одамийлик ақидаларига тўғри келишини тушунтира олди. Эртаси кунёқ масала ҳал бўлди-қўйди.

«Самарқандга таъминот»нинг Пайкари туман шўьба корхонасига янги раҳбар таъинланди. Ажабки, у яққа ҳоқимларча иш тутиб, бир қанча ходимларни, ҳатто касабқўм раисини ҳам ишдан бўшатиб юборибди. Тажрибали ходимлар кетиб қолса, ишни ким талаб даражасида юргизади. Қолаверса, қонун бор. Унинг доирасидан чиқиб, иш кўришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мана шуларни раҳбарга тўғри тушунтириб, масалани жойида ҳал қилиш учун Абдушукур Узоқовнинг анча захмат чекишига тўғри келди.

- Бахшлаётган икки томоннинг ўртасида туриб ажрим қилиш қийин. Ҳолби ҳўлиш керак. Бирини иккинчисининг олдига мулзам қилиб бўлмайди. Чунки яна фаолиятини давом эттиришлари, биргаликда ишлашлари керак, - дейди А.Узоқов.

Корхона касабқўми ташаббуси билан жамоа шартномасига киритилган ва бир неча йилдан бери амалга ошириб келинаётган бир савобли иш ҳусусида алоҳида тўхталиш керак, назаримизда. Беш йил илгари Самарқанд шаҳридаги 10-мехрибонлик уй тарбияланувчилари Азиз Султонов ҳамда Дилноза Қодирова корхона томонидан оламда олинди. Шу даврда уларга тўлиқ ҳоимийлик қилинди. Бултур уларнинг иккаласи ҳам коллежларга ўқишга қабул қилинди. Жамоа шартномасида назарда тутилганга мувофиқ корхона ҳоимийлики давом эттирмоқда ва уларнинг ҳар бирига ўқини битиринларича, ҳар ойда энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдорда стипендия белгиланди. Умуман корхонада ёшларга алоҳида эътибор билан муносабатда бўлинади. Айни пайтда Самарқанддаги олий ўқув юртлири ва коллежларнинг газ таъминоти иктисослиги соҳасида ўқиётган талабалар билан яқин алоқа ўрнатилмоқда. Чунки келгусида корхонага келадиган ходимларнинг билимини, иқтидорини хозирдаги билиб қўйиш фойдалан ҳоли эмас.

Касабқўмининг ҳам, ташкилот етакчисининг ҳам мактеб баланд. Чунки фойдали амалий ишлар қўп. Шунинг учун одамлар уларга турли масалаларда тортирмай муружаат қилишаверади. Бунга ўрганимаган айримлар А.Узоқовга ярим ҳазил, ярим чин оҳанда «нега одамлар айна мутасаддилар қилиб, сизга қўпқўк муружаат қилишавди?» дейишавди ҳам. Тан олиш кераки, А.Узоқов ёши катталлигини ҳам, касабқўм раислигини ҳам ҳеч қачон пеш қилмайди. Унга исталган жойда фикрингизни айтишингиз мумкин. Фақат мақсадингиз ва таклифингиз аниқ бўлса, бас! Унинг босиқлик билан мулоқоза юртилишини, одилона ҳулоса чиқаришини кўриб, майда-чўйда гаплардан ўзингизни албатта тижоз. Чунки Абдушукур Узоқовнинг ҳар қандай масалага доир пухта асосланган фикрларига қўйилмай илоҳингиз қиламайди. Унинг етакчилиги салохиятининг сирини айна мана шунда бўлса, ажбасмас.

Рустам ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» муҳбири

Пилла - НАҚД ТИЛЛА

Ипак курти-мўъжизавий маъжудот. Инсоннинг машаққатли меҳнати тўғрисида эфирдан ҳам кичик уруғ бир ой мобайнида марвариддек оппоқ пиллага айланади. Таъбир жоиз бўлса, ҳар бир дон пилла нақд тиллага тенглашади. Мамалякати пиллакорлари бу йил шундай «тилладан қариб йигирма минг тонналик улкан хирмон бунёд этиш мақсадида астойдил

меҳнат қилмоқда. Нокўлай об-ҳаво шароитига қарамай, бу йилги етиштирилётган пилланинг сифати анча яқши, - дейди «Пилла ҳолдинг» компанияси раиси ўринбосари Ҳабиб Йўлдошев. - Айни кунга кўлар қариб 15 минг тонна пилла давлатга топширилди. Бу йиллик топшириқнинг 85 фоизи демақдир. Хосилдорлик ҳам ўтган йилга нисбатан

анча юқори - ҳар қути ипак курти ўртача 50 килограммини ташкил этмоқда. Бу борада, айниқса, хоразмлик, андижонлик, қашқадарёлик ва тошкентлик пиллакорлар яқши натижаларга эришмоқда.

(Уза)

Япониядан хушхабар

ЁШЛАРИМИЗ

МУВАФФАҚИЯТИ

Кунчиқар мамлакат пойтахти - Токиода бўлиб ўтган халқаро болалар расмлари танловида 60 та давлат вакиллари иштирок этди.

Нуфузли танловда Учқўрғон туманидаги тасвирий ва амалий санъат лицейи ўқувчилари ҳам фаол иштирок этиб, ўз иқтидорларини намойиш этдилар. Учқўрғонлик ёш раҳбарлар яратган асарлар нозик дидли япон мутахассислари томонидан юқори баҳоланди. Шерзод Тўрабоев, Ҳамроҳон Нўймонохунова ва Элёр Отахоновларга кўрик-танлов дипломи ва қўimmatбах оловгалар топширилди. Айниқса, Шерзод Тўрабоев эришган муваффақият алоҳида таҳсинга сазовордир. У ўз истеъдоди тўғрисида Япония ҳукуматининг махсус мукофотини қўлга киритди. Шунингдек, Шерзод ўз йўналиши бўйича олий ўқув юртига имтиёзли кириш бахтига муяссар бўлди.

А.СОҲИБОВА



Мирзачўл туманида илгор ва саховатли фермерлар ҳақида гап кетгудай бўлса, Икром ака Солиевнинг номи биринчилардан бўлиб тилга олинади. У кишининг касби ўқитувчи. Қатор йиллар мактабда математика фанидан дарс бериб келди. Нафақага қичқач, 1998 йили «Пах-

ФЕРМЕР

тазор» ҳўжалигидан 48 гектар ер олиб, «Муллабулоқ» фермер ҳўжалигини ташкил этди. Биргина ўтган йили пахтадан 2 миллион сўм,



галладан ярим миллион сўм соф фойда кўрди. 8 нафар ишчиси бўлиб, уларнинг ҳар бирига шартномадан ортиқча галладан 2,5 тоннадан бугдой тарқатди. 1 та кам таъминланган оилани ортиқча олган. Айни чоғда уларга бугдой, ўсимлик ёғи улашиб, моддий ёрдам кўрсатмоқда. Ҳўзи ишлаб келган С.Муқонов номили 16-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари учун 100

миг сўмлик ўқув қуроллари сотиб олиб берди. Фермернинг 8 нафар фарзанди бор. Шундан уч ўғли уйланган, уч қизи турмушга чиққан. Ҳўган йили даромаддан 2 нафар ишчисига уй қуриб берди.

- Дала бошида мўъжазгина шийонимиз бор, - дейди Икром Солиев. - У ерда барча шарт-шароитлар мавжуд. Боғ ва теракзор ташкил этганимиз. Бу йил яна 2 нафар ишчимизга фермер ҳўжалигимиз ҳудудидан уй қуриб бермоқчимиз.

Б.НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» муҳбири

Инсонга наф келтириш - олий бахт

Касаба уюшмалари меҳнатқашлар ҳақ-ҳўққининг устувор ҳимоячиси. Бунинг замирида катта масъулият ётади. Ҳар кунги ҳўзуримизга мадад истаб келган кишиларни қўллаб-қувватлаш, мушқулчини осон этиш учун бор имкониятни ишга солашимиз. Вақолат доирасида ҳаракат қилиб, адолатни юзга чиқариш учун тажрибали мутахассислар сафарбар этилади. Халқ депутатлари Наманган вилоят кенгаши сессиясида тасдиқланган дастур асосида жамоат, нодавлат ташкилотлар ва ўзини-ўзи бошқариш идоралари орқали жамоатчилик назорати кучайтирилмоқда.

Шу аснода аҳолини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича текшириш ва таҳлиллар ўтказилди. Хусусан, Агрорасаноат мажмуи ходимлари касабга уюшма вилоят кўмитаси жамоатчилик назорати тартибидеда Фуркат туманидаги Фуркат номли, «Кўкон» ҳўжаликларида иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши билан қизиқдилар. Натижалар умумлаштирилиб ҳўжалик раҳбарларига тақдим этилди. Камчиликларни биргаликда ҳал этиш чора-тадбирлари белгиланди.

II гуруҳ ноғирони Ё.Исоқов Ёзёвон туманидаги И.Юсупов номили фермер ҳўжалиги ишчиси. У зарар тўловларини ундиришда ёрдам сўраб муружаат этганди. Мутахассисларимиз бу масала билан жиддий шуғулланиб, шундай ҳулосага келдилар. Ушбу фуқарога тўланиши керак бўлган зарар тўловлари 11 ойдан бўйиб асосий равишда чекиртириб келинган. Гап шундаки, ҳўжаликни тугатиш комиссияси томонидан фуқаронинг ҳақли талабига вақтида эътибор қаратилмаган. Натижада бу иш туман прокуратурасига оширилди.

бўлишади. Риштондаги М.Келдиев номили ширкат ҳўжалигида бўлиб, дала меҳнатқашлари билан фикрлашганимизда кимдир ишчи М.Мирзаабдуллаевга давлат ижтимоий сўғурта тўловларини тўлаш пайсалга солинаётганлигини таъкидлади. Бу масалани атрофлича ўрганган, юқоридаги ҳулосага келдик. Ишчиға ҳақ-ҳўққуқлари, қонун устуворлиги ёғи билан тушунтирилди. Турли сабаблар билан унга берилмай келинаётган вақ-

маблаг ивазига бу маскан ахшилаб таъмирланди. Худди шу мақсад учун Кўкон шаҳридаги «Муруват уйи» учун 96 миллион сўм сарфланди. Вилоятимиздаги пенсия ёшида бўлган шахслар ҳар йили тиббий муассасаларда диспансер кўригидан ўтказилмоқда.

КАСАБА УЮШМА АРАЛАШУВИ БИЛАН

тинчалик меҳнатга қобилиятсизлик ҳусусидаги нафақа тўлови уша кун ҳал этилди. Қувончлики шуки, ана шундай пайтларда кишиларнинг энг нуфузли жамоат ташкилотига бўлган ишончи янада ортмоқда. Вилоят касабга уюшмалари Кенгаши ўзгалар парваршига муҳтож пенсияонерлар, ноғиронлардан 1475 нафарини рўйхатга олиб, уларнинг 1267 нафарига ижтимоий ҳизмат кўрсатмоқда. Табарқур инсонларга бепул саккиз хил озиқ-овқат маҳсулотли, қонун ҳимоят, дори-дармон билан таъминлаш, стационарларда бепул овқатланиш, мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар берилган.

Савобли ишга ҳисса қўшаётганлар сафи кенгайиб бормоқда. Фарғона шаҳридаги «Саховат уйи»да яшовчи кексалар шаломитини ахшилаш мақсадида хомий ташкилотларнинг 160 миллион сўмлик

вилоят кўмитаси ҳамда вилоят болалар кутубхонаси билан ҳамкорликда «Бувим, Бобом, ҳаммамиз ўқувчи оиламиз», Ёқилги-энергетика, геология ва кимё сановати ходимлари касабга уюшма вилоят кўмитасида «Ишчи сулоласи» широи остида кўрик-танлов ўтказилди. Республикамининг тарихий жойларига саёхатлар уюштирилди.

Ишимизда ҳали баъзи камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, иш ҳақидан қардорликни бартараф этиш борасида барча касабга уюшма ташкилотлари, фаоллари бирдек ҳаракат қилишаватгани йўқ. Шунингдек, бошланғич ташкилотлар жанговорлигини ошириш ҳусусида ҳам ҳали қўп иш қилиниши керак.

Анвар ЮНУСОВ,
Фарғона вилоят касабга уюшмалари Кенгаши раиси

МАҲСУЛОТ ТУРИ КўПАЙМОҚДА

«Йўлдош Охунбоев номидаги бош кийимлар фабрикаси» ёпик турдаги хиссдорлик жамияти ички бозорни ўз маҳсулоти билан тўлдиришга алоҳида аҳамият бераёттир. Шу йилнинг биринчи чоғида 228 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Айни пайтда мамлакатимизда спортни оммавийлаштиришга катта эътибор берилаётгани хиссдорлик жамияти ходимларини ҳам бефарқ қолдираётгани йўқ. Айни кунларда улар истеъмолчилар талабини ҳисобга олган ҳолда болалар спорт қалпоқчаларини текширни йўлга қўймоқда.

(Уза)

Олот туманида пахта тозалаш заводи қурилиши тез суръатлар билан бормоқда. Қурувчилар уни мамлакатимиз мустақиллиги кунини арафасида фойдаланишга топширишни мўлжаллашмоқда.

ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

Заводнинг смета қиймати 1,5 миллиард сўмини ташкил этади. Бугунги кунгача унинг 900 миллион сўмга яқини ўзлаштирилди. Корхона тўла қувватда ишлаша, йилига 40 минг тонна хомашёни қайта ишлайди.

- Бугунги кунга келиб қурилишда 300 киши ишламоқда, - деди қурилиш бош пудратчиси «Бухоро-жамоақурилиш» акциядорлик бирлашмасига қарашли «47 - кўчма механизациялашган жамланма» акциядорлик жамияти раиси Аҳтам Улугов «Туркистон-пресс» муҳбирига. - Ишлар икки асосида ташкил этилди. Асосий бино, КИП ва автотомлаштириш, хомашёни қабул қилиш иншоотларида қурилиш ниҳоясига етмоқда. Суннат Ҳамроев, Файзулла Авазов бошчилигидаги бетончилар ва сувқочлар бригадалари астойдил меҳнат қилишмоқда.

«Бухоропахтасаноат» АЖ бош муҳандиси Раҳматулла Сойиловнинг айтишларинча, ўрнатилган айсунчаларнинг аксарияти Тошкент, Самарқанд, Чирчиқ шаҳарларидаги машинасозлик заводларида тайёрланган. Булар хорижий ускуналардан асло қолишмайди. Фақат автоматлаштирилган зимловчи Днепрпетровскдаги машинасозлик заводларида тайёрланган.

Олотдаги завод қурилиши билан вилоятдаги Қоровулбозор туманидан бошқа барча туманлар ўз пахта тозалаш заводига эга бўлади.

«Туркистон-пресс»

ОҚАР СУВНИ БУЛҒАШ ГУНОҲИ АЗИМ

Ҳамроҳимиз Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг мутахассиси Жаҳонгир Мирзааҳмедов шундай дейди: - Пишиқчилик пайтда бу ерга тупроқ келтириб тўқши одат тусига қиради. Мақсад ён-атрофга ёқимсиз хид тарқалишининг олдини олиш. Аслида ҳамма гап одамларимизнинг ўзинида қолган. Агар оқар сувни кадрласак, чиқиндиларни сувгамас, белги қилинган жойга ташласак, фақат ўзимиз ютаемиз. Ҳар йили бу ерга тупроқ ташланаверса, яқин вақт ичида «Кайковуз» каналининг ярми қўмилиб кетади-ку?! Усон Юсупов кўчасидаги Лабзак, Қохота ҳамда Тахтапўл маҳаллалар ҳудудидега канал атрофидега ҳам ноҳуш манзаранинг гувоҳи бўлдиқ. Тахтапўл маҳалла оқсоқоли Суннат ота Азимовнинг таъкидлашича, Шайхонтоҳур туманидаги «Махсустрас» автокорхонасига ҳар ойда муайян маблаг ўтказилиб турилади. Шунга қарамай чиқинди олиб кетадиган маши-

налар таъминотида мунтазам равишда узилмишлар бўлиб турипти. Бу эса кимларгадир баҳона бўлмоқда. Чикиндилар оқар сувга улоқтирилмоқда. Боз устига, канал бўйида яшай диган баъзи хонадон эгалари чиқинди сувларини каналга оқизиб қўйишбди. Масалан, С.Ҳўжаев номидаги кўчанинг 49-а хонадонидега истикомат қилувчи У.Ҳайдаров, 45-хонадон соҳибни Қ.Ақромовлар ёнгиналаридан каналзация шохобчаси ўтган бўлишига қарамай, чиқинди сувининг нишабини оқар сувга тўғриллаб қўйишбди.

Собир Раҳимов туманидаги Чигатоғ каналидега бўлганимизда, янада ташвишли ҳолатнинг устидан эгилдик. Бу ердаги хонадон эгалари оқар сувдан «беиминнат каналзация» сифатида фойдаланишмоқда. Тошкент шаҳар ҳудудидан 100 дан зиёд анҳор ҳамда каналлар оқиб ўтади. Уларнинг 10 таси вилоят, 37 таси шаҳар сув ҳўжалиги бошқармасига, 54 таси эса СУ-Марказ бошқармасига, «Қорақамчи» канали Тошкент вилоят мелиорация ва эски педидия бошқармасига қарашлидир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳозирги пайтда анҳор ва каналлардан оқётган сувнинг бактериологик-кимё-

Неъмат РАФИКОВ,
«Ишонч» муҳбири



«БАРКАМОЛ АВЛОД» МУСОБАҚАЛАРИ

ёшлар парвозига қанот бағишлади, миллионлар қалбида гурур-ифтихор туйғуларини жўш урдирди

Қарийб бир hafta мобайнида гўзал Андижон вилояти байрам либосига бурканди. Кўчалар, хиёбонлар, ўйингоҳлар мусобақа катнашчилари-ю мухлислар билан гавжум бўлди. Бир сўз билан айтганда гўзаллик, маҳорат, матонат ва шижоат кўриги ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Юртбошимиз Ислам Каримовнинг «Барқамол авлод-2003» спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригининг асл нухаси, I даражали диплом ҳамда Президент совғаси - «Матиз» энгил автомашинаси билан голиб жамоа Андижон вилояти спортчилари тақдирланди. Соғиналарни Андижон вилояти ҳокими, Ўзбекистон Каҳрамони Кобилжон Обидов ҳамда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Жуманазар Хусанов топширди. Иккинчи ўринни эгаллаган Тошкент вилояти вакилларига II даражали диплом ҳамда «Дамас» энгил автомашинаси насиб этди. Умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни кўлга киритган Фарғона вилояти вакилларига III даражали диплом ва «Тико» энгил автомашинаси тақдим этилди.

Мусобақа сўнггида алоҳида номинациялар бўйича ҳам голиб спортчилар аниқланди. Хусусан, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг махсус соврини - «Энг кўп медаллар соҳиби» андижонлик спортчи Александр Мартановга насиб этди. Мукофотни Федерация раиси Дилбар Жаҳонгирова топширди. Шунингдек, Навоий вилояти терма жамоаси аъзоси Юлдуз Умарова «Нафосат маликаси», қизлар жамоалари ўртасида қорақалпоғистонлик баскетболчилар ҳамда ўсимирлар жамоалари ўртасида Қашқадарё вилояти волейболчилари «Галабага бўлган иродаси учун», самарқандлик Сухроб Нейматов «Барқамол авлод-2003» спорт ўйинлари «Футбол юлдузи», Андижон вилояти терма жамоаси боксчиси Жўрабек Мелибоев «Шижоат

ва интилиш самараси» совринига лойиқ топилди. Уйинлар мезбонлиги Тошкент вилояти вакилларига берилганлиги эълон қилинди. Дарвоқе, «Барқамол авлод-2003» мусобақаларида ушбу вилоят вакиллари кўбунга натижаларни кўлга киритдилар. Баскетбол, кўл тўпи, бокс ва энгил атлетика беллашувларида андижонлик спортчилар билан финалда тўқнаш келдилар. Улар иштирокидаги баъзи спорт турларига назар солсак, кўрсатилган натижалар йилдан-йилга юқорилаб бораётганини кўрамай. Мисол учун, спортнинг энгил атлетика баҳсларида Жиззахда бўлиб ўтган «Барқамол авлод» ўйинларида улар саккизинчи погонани банд этди, етти олтин, икки кумуш медалларини кўлга киритган эдилар. Бу сажар эса 14 та олтин, 4 та кумуш, 6 та бронза медаллари соҳибига айланиб,

енгил атлетика баҳсларининг голиби бўлди. Бу билан умумжамоа ҳисобида қимматли 15 очко тўхфа этишди. Икки йиллик машаққатли меҳнатларимиз зое кетмади. Шогирдларим ўз зиммаларидаги вазифаларни аъло даражада адо этдилар. Айниқса, жамоамизга 4 та олтин медал келтирган Аня Ҳамаева алоҳида ўрнатқилиб кўрсатқасак арзийди. Бу ишда ҳомийимиз Акмал ака Йўлдошевнинг ёрдами катта бўлганлигини алоҳида таъкидлашни истардим, - дейди вилоят терма жамоаси мураббийи Владимир Смирнов. Дарҳақиқат, жамоа вакиллари Н.Терехов, Г.Байева, Л.Дьяконова, Г.Димуров ҳаммевода каби спортчилар Ўзбекистон энгил атлетика терма жамоасининг ўзагини ташкил этади. Умуман Тошкент вилояти спортчиларининг мусобақаларда қатнашуви кўпчилиқда илиқ таассу-

рот қолдирди. Ушбу спорт тури бўйича баҳсларда фарғоналиклар ҳам муносиб иштирок этишди. Улар сафида айниқса, Ойбек Борбоевнинг истеъдоди қарақлаб турди. У юз метрга тўсиқлар оша югуришда маррага биринчи бўлиб етиб келди. Шу дамларда Фарғонадан атайлаб ўғлига далда бериш учун келган Турдихон опанинг ҳолатини таърифлашга сўз ожиз эди. - Ҳақимнинг бу муваффақиятидан жуда хурсандман. Галаба завқи бошқача бўлар экан. У менинг ишончимни тўла оқлади. 400 метрлик масофада ҳам унга чин юракдан зафар тилайман, - дейди голиб спортчининг онаси. Лекин спорт қутилмаган «тўхфа»лари билан ҳам ғоят қизиқарлидир. 400 метрга тўсиқлар оша югуришда Ойбек тошкентлик Евгений Налимовдан иккинчи ортида қолди. «Барқамол авлод-2003» спорт ўйинларига Андижон, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Жиззах вилояти ҳамда Тошкент шаҳри жамоалари пухта тайёрларлик билан келганликларини тасдиқлади. Афсуски, Сирдарё, Навоий, Сурхондарё, Хоразм вилояти вакиллари қатнашуви бундай ҳақиқат асос бермади. Хусусан, Сирдарё вилояти вакиллари спорт турлари бўйича энг юқори натижаси сузиш, стол тенниси ва белбоғли кураш баҳсларида еттинчи ўрин бўлди, холос.



Дил сўзлари

Тоҳирон ПАРНИЕВА,
Наманган вилояти гандболчи қизлар жамоаси аъзоси:
- «Барқамол авлод» спорт ўйинларида биринчи марта иштирок этдим. Жамоамиз қизлари бу ерга фақат галаба қозониш учун келган эди. Афсуски, ярим финал баҳсида Тошкент вилоятилик қизларга бир тўп фарқи билан ютқазиб қўйдик. Охириги паллада йўл қўйилган кўполлик етти метрлик жарима тўпи белгиланишига олиб келди ва рақибларимиз бундан унумли фойдаландилар. «Спортда дўстлик галаба қозонади», деган гап бор. Бу гапнинг тўғрилиғига чин дилдан ишондим. Сабаби Андижонга келиб мен жуда кўп дўстлар орттирдим. Биз ёшларга шундай имкониятлар яратиб бераётган муҳтарам Юртбошимизга самимий миннатдорчилик билдираман.



Азамат АБДУЛЛАЕВ,
Самарқанд вилояти гандболчи қизлар жамоаси мураббийи,
Сибё туманидаги 2-педагогика билим юрти ўқитувчиси:
- Биз ўзбеклар дунёдаги энг болажон миллатимиз. Андижонда замонавий Олимпия захиралари спорт коллежининг очилишини ана шу гамжўрлик нишонаси деб ҳисоблаш керак. Зеро, бундай спорт қозонаси Марказий Осиёда ягонадир. Уйинларнинг компьютер хоналаридан бошқарилиши, манежларнинг спорт анжумалари билан жиҳозланиши, спортчилар ҳамда томошаларга яратилган шароитлардан ақл шошади.

СПОРТЧИЛАР ШИФОКОРЛАРИ

Андижонликлар азалдан меҳмоннавоз халқ. Бағри ва дили дўстлик, ҳамкорлик, биродарлик, тадбиркорлик учун ҳаммисини оқиди. «Барқамол авлод-2003» мусобақалари иштирокчилари учун яхшигина тиббий, коммунал-مائий ва маданий хизмат йўлга қўйилган босиш ҳам шундан. Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғи саҳналарига кўнглилар ўйинлар ташкил этилади, кўшиқ-куйлар янгради. Спорт коллежининг ўзида «Шошилинч тез тиббий ёрдам» маркази кеча-кундуз спортчилар ва меҳмонлар хизматида бўлди. Тошкент вилояти гандболчи қизлар терма жамоасининг ҳужумчиси Наташа Семеновна ўзини ноҳуш сеза бошлади. Уйин бошланиши олдиндан тановул қилган муздак бунга сабаб бўлган. Уйингоҳда навбатчилик қилаётган ҳамшира Табасмухон Иминова Наташанинг иссини ўлчаб ана шу хулосага келди. Спортчи дарҳол тиббий ёрдам марказига тақлиф этилди. Олий тоифали шифокор Холмидхон Исабоев беморни зудлик билан тиббий кўриқдан ўтказди, Юрак уриши, тана ҳароратини кўздан ўтказди. Керакли дори-дармонларни берди. Муолажа, дилқас муомала, хориддан сўнг Наташа ўйингоҳга шошилди... Олмалиқлик мураббий Владимир Мўминов, Жондор туман педагогика коллежи талабаси спортчи Дилбар Мирзаева, спорт коллежи ҳуқуқшуноси Турсунбой Рустамовлар ҳам марказ шифокорларининг меҳрибончилиги билан дардан фарз бўлди. Мусобақалар давомида 10 нафарга яқин шифокор спортчиларга тиббий хизмат кўрсатишди. Замонавий тиббий техника воситалари ва ускуналар билан жиҳозланган марказда самарали тиббий хизмат кўрсатиш имконияти яратилди. Чунинчи, марказ етарли дори-дармон захираси билан таъминланди. Терапия, стоматология ва муолажа бўлимларида кеча-кундуз навбатчилик ташкил этилди. Шунингдек, кўчма амбулатория қаерда мусобақалар бораётган бўлса, ўша ерда ҳозир нозир бўлиб, даволаш ишларини вилоятнинг юқори малакали, тажрибали ҳаммисини олиб боришди. Вилоят ўсимирлар поликлиникаси стоматолог Алишер Отабоев, 2-шаҳар поликлиникаси терапевти Ойбек Ҳайдаров беморларга сиздиқидилан хизмат қилди. Марказ шифокорларининг ишлари кўпқиррали кечди. Спортчилар яшаётган меҳмонхоналар, ошхоналарда, спорт майдонларида тез-тез бўлиб турдилар. Яшаш жойларининг санитария ҳолати, озиқ-овқат калорияси, яъни тўйимлилиги, спортчиларнинг мусобақалар олдида саломатликларини тўла назорат қилдилар. Шифокор Ойбек Ҳайдаровни мақола тайёрлашдан бир кун олдин спорт коллежининг югуриш йўлида учратиб қолдим. Дам олиш кўни экан. Одатдагидек, оқ халатда эмас, спорт кийим-бошида эди. Мулоқотда ёшлагидан спортга иштиқомандлиги, маҳалланинг оилавий мусобақаси голиби эканидан хабардор бўлдим. Алишер Отабоев ҳам яхшигина боксчи, волейболчи, теннис иштиқози бўлиб чиқди. Йигитларнинг билгани-билган. Соғлиқ-саломатлик посбони бўлиш, бунинг устига спорт иштиқозлиги билан буни амалда кўрсатишга нима етсин!

Рустам НИЁЗОВ,
кўл тўпи бўйича Андижон вилояти жамоаси баш мураббийи:
- То финалгача биз бешта учрашув ўтказдик. Қизларимиз жуда толиқиб қолишди. Шундай бўлса-да галаба қозондик. Бу мусобақаларга тайёрларлик кўришимизда бизга катта кўмак берган вилоят ҳокимияти мутасаддилари, айниқса, Андижон тумани ҳокимлиғига катта раҳматлар айтаман.

Ирода, матонат ва галабага бўлган зўр иштиқоқ намоян этган чемпион шогирдларим Зарна Бадалова, Гулия Сулаймонова, Барно Зунунова, Шаҳноза Тожибоева, Разелия Бикматова, Асалия Ахатова ва Мая Нигматиллаевалар билан фахрланаман.

Андижондаги спорт тантаналари тўғрисида ёш авлодининг маънавий ва жисмоний камолоти йўлида нақадар катта имкониятлар очилганлигини қалбдан ҳис қилдик. Ёки кўни-кеча Оксаройда ўтқазилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Васийлик Кенгашининг мажлисини олайлик. Тадбирда фарзандларимизни спортга кенг жалб қилиш, уларни мард, жасур, Ватан ҳимоясига фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш истиқболлари белгиланди.

ШОГИРДЛАР КАМОЛИ

Вилоятимизда энгил атлетикага ёшларимизнинг ҳаваси ортиб бормоқда. Бу бордада шогирдларимнинг камолини кўз олдимга келтириб, бошим осмонга етади. Дилшод Жўрабоев, Ёдгор Мирзақаримов, Шерали Ҳиратовлар кечагина спорт залларида пешоналари терлаб машқ ўтказишарди. Жанубий Корейда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида энг чапдаст гимнастикачилар қаторидан ўрин олиб, Ватанимиз спорт шарафини муваффақиятлик ҳимоя қилдилар. Шухратжон Мадидов Андижон энгил атлетикачиларининг ифтхорига айланган. Ўзбекистон терма командасининг аъзоси, қолаверса, энгил атлетика

бўйича республика чемпиони. Нормухаммад Муллажонов «Барқамол авлод» баҳсларида спорт усталлиғига номзод унвонини оқлади. Қилич Пўлатов, Аббор Нурматов, Бектемир Назаровлар Жиззахда яқунланган Ўзбекистон биринчилигида пешадамликни кўлдан бермадилар. Эътиборлиси, ушбу спортчиларнинг аксарияти Олимпия захиралари коллежининг спорт залларида улғайган. Дарвоқе, аслида камини ҳам шу коллежининг собиқ талабалариданман. 70-йилларда таҳсил кўрганман. Катта спортга марҳум устозим Рим Мустваевнинг оқ фотиҳаси билан йўл олганман. Коллежимиз жамоаси улғу мақсадлар-

Дўстлик элчиси

Спорт куч-қудрат, маҳорат, эпчиллик тисомилдир. Яна дўстлик, аҳиллик, ҳамкорлик, биродарлик муҳдаси ҳам демокиман. Фарғона водийсининг гавҳари Андижон вилоятида бўлиб ўтган спорт беллашувларида қатнашаётган бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Аввало, спорт коллежи ҳақида. Очқ-ёпиқ сузиш

ҳавзалари, югуриш йўлақчалари, 20 минг томошабинга мўлжалланган футбол ўйингоҳи, манежлар, ювиниш, ечиниш-кийиниш хоналари... қай бирини айтий. Бу фарзандларимизга, уларнинг соғ-омон, ҳеч кимдан кам бўлмай, кучли, зукко бўлиб улғайишлари учун кўрсатилган юсак эътибор самараси. Илгариги ўйинларда



алари учрашуви 29:12 ҳисоби билан тугади.

Сўнгги натижалар:

Кўл тўпи (қизлар)
Мусобақаларнинг охириги кўнида қизлар ўртасида кўл тўпи баҳсларининг финал учрашуви бўлиб ўтди. Унда Андижон вилояти ҳамда Тошкент вилояти жамоалари куч синашди. Шиддатли курашлар остида кечган ўйиннинг биринчи бўлими 13:12 ҳисобида мезбонлар фойдасига ҳал бўлди. Бирок, иккинчи бўлим бошларида Тошкент вилояти вакиллари ҳисобни тенглаштирдилар, сал кейинроқ эса олдинга чиқиб олишди. Майдоннинг ҳар қарчида тўп учун кураш бошланди. Мухлислар ҳайқирғи залини ларзага келтирди. Бундан руҳланиб кетган мезбонлар ҳужумга зўр бердилар. Натижада 25:22 ҳисобида галаба қозониб, олтин

медални кўлга киритдилар. Кейинги ўринлар учун Наманган ҳамда Фарғона вилояти жамоалари куч синашди. Бу ўйинда фарғоналиклар 12:7 ҳисобида галаба қозонди.

Ўғил болалар ўртасидаги баҳсда Андижон-Тошкент жамоалари учрашувида 30:28 ҳисобида мезбонлар зафар қўчдилар ва мусобақа голибига айландилар. Кейинги ўринлар учун Фарғона-Самарқанд жамо-

1. Андижон вилояти - 231 очко
2. Тошкент вилояти - 170 очко
3. Фарғона вилояти - 165 очко
4. Наманган вилояти - 157,5 очко
5. Самарқанд вилояти - 155,5 очко
6. Тошкент шаҳри - 153 очко
7. Бухоро вилояти - 141 очко
8. Қашқадарё вилояти - 115 очко
9. Жиззах вилояти - 97 очко
10. Қорақалпоғистон Республикаси - 91 очко
11. Хоразм вилояти - 90 очко
12. Сурхондарё вилояти - 85 очко
13. Навоий вилояти - 83 очко
14. Сирдарё вилояти - 68 очко

ФУТБОЛ
Шу кўни Шаҳрихон шаҳридаги марказий ўйингоҳда бўлиб ўтган футбол ўйинларининг финалида Тошкент вилояти ва самарқандлик ёш футболчилар куч синашди. Бу учрашувда пойтахт вилоятилик футболчилар кичик 1:0 ҳисобида галаба қозонди. Кейинги ўринлар учун кечган Бухоро ва Жиззах футболчилари ўртасидаги баҳсда 0:3 ҳисобида Жиззахликлар галаба қозонишди.

ВОЛЕЙБОЛ (Ўғил болалар)
Марҳамат қурилиш ва коммунал хизмат қасб-хўнар коллежи залларида кечган финал учрашувида мезбонлар фарғоналик тенгдошларини кетма-кет уч партияда мағлуб этдилар. Қашқадарё-Навоий волейболчилари баҳси 1:3 ҳисоби билан ниҳоясига етди. Қизлар баҳсида Тошкент шаҳри волейболчилари наманганлик тенгдошларини мағлуб этдилар. Андижонликлар эса фарғоналикларга ҳеч қандай имконият қолдиришмади.

БАСКЕТБОЛ (Ўғил болалар)
Баскетбол баҳслари Андижон алоқа коллежи залларида бўлиб ўтди. Финалда, Андижон - Тошкент шаҳри жамоалари учрашувида мезбонлар устун келди. Учунчи ўрин учун кечган Наманган-Қашқадарё жамоалари баҳсида 59:33 ҳисоби қайд этилди. Финалда Тошкент вилояти ҳамда мезбонлар тўқнаш келган қизлар баҳсида 28:43 ҳисобида андижонликлар галаба қозонди. Кейинги ўринларни Наманган ҳамда Бухоро жамоалари банд этди.



Саҳифани «Ишонч» муҳбирлари А.ЮНУСОВ, С.РУЗИМатов ва К.ОЛЛОЕВОВ тайёрлади. Ш.ОЛИМОВ (Ўза) олган суратлар

Чўлпоннинг учқур хаёллари кенг ва олис йўллардан ошиб, қанот қочишда давом этади. У табиат ва жамиятда учраган ҳар бир жонли ва жонсиз нарсага кўнглига яқин руҳий изтиробларни сингдиради. Шоир кўнглида туғилган гашликни баъзан қоронғу зулматга ўхшатади. У «Йўл эсдалликлари» очеркида «қоронғулик менинг умид билан порлаб турган кўнглиمنى ўзининг кўрқинч қўчоқлари орасига олиб учирмоқчи бўлади, кўнглим эса хаёлни кўйдан тушугиси келмай, унга саноксиз қарғишлар ёғдирадидилар» деган эди. Зеро, қоронғуликнинг ўзи одам-зодга кўрқинч туғдириши табиий ҳолат. 20-йилларда содир этилган босқинчилик, зулм, зўриқ, ўлим асарият ҳолларда туғди содир этилганлигини инобатга олинса, қоронғулик қаъридаги ваҳм ҳам икки баробар ортиши тайин. Шундай кезларда қоронғуликда ашиқ тик этса, юрагини ушлаб, ҳаётдан кўз юмганлар оз бўлган дейсизми? Мана шоирнинг ўшандай тун ҳақида ҳолис ёзган сатрлари:

**Тун ёмон, тун қоронғу, тун кўрқинч, тун азоб,
Тунда эски, янги-ҳар нарса, ҳаёл ва сароб.
Туннинг узунлиги, чуқурлиги кўп ёмон,
Туннинг бузуқлиги, ёлғизлиги беомон.**

«ГЎЗАЛ ХАЁЛ, КЕЛ,

Чўлпон тасвирга олган ҳар бир нарса, воқеа, ҳодиса, ўсимлик ёки жонивор, тош ёки дархат унинг кўнглида ҳис уйғотиб, қалбини жунбушга келтирган. Буларнинг бари шоир кўнглига, хаёлига кириб кечинмага айланиб, ё рағбат, ё нафрат кўзготилади. Масалан, у, оғир хаёлларга беланиб, йўлсизлик гирдобига тушган чоғларида йўлини тўсиб олувчи «улкан қоя» кўз олдига намоён бўлади. Йироқ-йироқлардангина кўр тўкиб, гўзал кўринадиган бу тоғ ақин борганда, дев гавдасидай кенгайиб, шоир юрагига ваҳм солади.

Кўз ёши тўкиш, иложсизликдан надомат чекиш, эрксизликдан ҳафаланшиш, ўз-ўзига тасалли бериш Чўлпон шеърятини бўйлаб «кизил ип» бўлиб ўтади. Лекин барбир шоир кўз ёшларидан тўкилган бу қонли селоблар Туркистон дёбирида мингмиглаб чечаклар ўсиб ундирилишига сабаб бўлишига ишонади:

**Чечаклар ўсгуси кўз ёшларимдан,
Бўғинлар унғуси уйлашаримдан.**

Шоир халқнинг жонли сўзлашуви тилидаги афоризмга тўла маъноларни, мақол, масалларни, улардаги ибора, учирғу қончиқларни жуда усталик билан ишлатиб, дейилмоқчи бўлган муддаосини қутилмаган вазиятларда яқриқатиб очади. Бундай туйғулар унинг оддий муҳаббат лирикасида дахлдор мисраларида янада теранроқ акс этади:

БОШИМДА ГУЛ ЎЙНАТ»

Абдулҳамид Чўлпонни яхши билмасизми?

**Лола гулнинг доғдур ҳасратли дилдан кетмаган,
Ошён айлаб ўзига бир нафас тарк этмаган.
Сенгига эй лола-гул, аммо асир этдинг мени,
Бир узиб сўлдирмасамми «ҳап» қараб тургин сени.**

Байтларидаги соф туйғулар билан омухта келган халқчил зарфотларга қаранг! Чўлпоннинг хануз тоғилмаган «Дала йўлларида» деб номланган тўпламидан келтирилган бу парчада шоир қутилмаган майин юморни кўйлаб, шеърят шайдоларига қувноқ ханда, табассум ҳада этаётир. Шоир ўзининг қалби, ўйлари ва кўнгли ҳақидаги жуда кўп фикр-мулоҳазаларни йўл-йўлакай ўртага ташлаб кетаверади. Ахир «кўнгли нималарни тусамайди» дейсиз! Шоир ҳаёт қорраҳаларида дуч келадиган иқбиланишларга ҳолис баҳо бериб, гарчанд «Кўнглим мени қалтис йўлларга солса ҳам, мен унинг йўлига юришга мажбурман, чунки кўнгли бошлаган бу йўл менинг ҳақиқий йўлимдир», деб очик айтади.

**Қорға қўйин очган қатор довлонлар,
Сизга қараб туриб кучни чоғладим.
Кўнглимда йўл юриш истаги қайнар,
Юриб ўтман деб белни боғладим!**

Чўлпон шеърятдаги ашаддий эркесвар гоялар айникса, 1920 йилда Шарқ халқларининг Божуда очилган Биринчи курултойидан кейин гуриқарб ривож топди. Курултой қатнашчиси бўлган шоир бир қатор ўткир публицистик мақола ва исёнкор шеърлар битди. Қатор шеърларида маълум Шарқнинг озодликка интилишини ўз истагидай қабул қилди. Уларда шоир неча асрлардан бери чалқаш бир тусга кирган ўлқанинг чигаллини ёзмақчи. Унинг «Ерғу юлдузга» деб аталган шеъри бунинг ёрқин далилидир. Бу шеърда шоир Хазар денгизи тепасидан милтираб қараб турган тоғ юлдузи билан сўхбатга киришиб, ўтмиш ҳатолари тўғрисида асоратга тушиб қолган халқнинг бахтсизлигидан шикоят қилади. Табиийки, юлдузлар кўзлари ёшга келиб, юзлари юмшариб, бу саволларга жавоб беролмайдилар. Бу сўхбатга чидай олмаган шоир унга ўзи жавоб бериб, китобхонда гоят куйинчак бир кечинма пайдо қилади. Шоир билан ёрқин ўртасидаги бўлган сирли сўхбатни шохиди бўлган китобхон, худди Чўлпоннинг руҳий ҳолатига тўшиб қолгандай эстетик жиҳатдан тотли бир дамни бошдан кечиради:

**Гўзал юлдуз, нурли юлдуз, тез сўзла,
Отларнинг тарихдаги хатосини.
Эл хатодан афсусланиб, ёлваринг
Эл кўксига сурган шират сафосини.**

Чиндан ҳам Чўлпон «Кеча ва кундуз» романида тилга олган Акбарали мингбошилар, Тўхтасин бойваҳидлар, Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар»да танқид қилган Мусулмонқуллар, Азизбеклар, Худойёрнолар ёки Фитрат ғам-ғусса билан тасвирланган Абдулфайзонлар, Абдумўминхонлар ҳалқ турмушини писанд қилмай, худбинлик билан ўзаро адоватга киришганлигини катта маломат ила тасвир этишмаганмиди? Яқин ўн йил оралиғида бирин-кетин майдонга келган бу уч йирик асарда Кўсон, Бухоро, Хива хонлиқларининг ҳақолати фош қилиб ташланган эди. Бир маҳаллар дунёнинг ярмини титратган, Самарқандда туриб йўталса, Бағдод халифасининг ҳам ўти ёрилган

(Давоми. Боши ўтган сонда)

палларда Темурунинг қудратли ҳокимиятига бирон бир давлат кўз олайтира олганмиди? Чўлпон «Тонг юлдузи» билан сўхбатлашаётганда, ўтмишнинг ана шу ёрқин чизгиларини ҳам кўз олдидан ўтказган, албатта. Хуллас, Чўлпон қайси бир мавзунга ёритишга ҳаракат қилмасин, гап айланиб, эркталаб гояларга келиб урилаверади. Бошқача айтсак, ҳар бир мавзунни ҳукм-хулосаси эрк, озодлик талабларига бўйсунди.

Шоир эркинлик йўлида қанчалик куйинмасин, унга қарши кураш олиб борувчи кишилар шунчалик кўпаяверади. Чўлпоннинг кўнглини чуқуририш, уни ижоддан бутунлай беддириш учун матбуот орқали ҳам турли бўхтонлар ёғдирадидилар. Гўё, Чўлпон халқ ва жамиятдан узилиб, ёлғиз қўлдаги ёритқичлар билан сўхбатлашувчи «йиғлоқи» шоир эмиш. Аллақачон ўзгилдан кечиб, кўпчилик ичра ботиб кетган шоир, муҳолифларига қарши шундай таъсирчан жавоблар йўлаган эди:

**Янгилашсиз, мен кўкларга беркинган
Ер қизидан хаёлимни олмайман.**

Чўлпоннинг шоирона наздида умидлари топталиб, заволга юз тутилган туркистонликларнинг оху зорлари, уларнинг асорат излари ердан кўчиб, қўлдаги юлдузлардан паноҳ топганлар. Шу боисдан ҳам шоирнинг хаёли кўпинча самовий ёритқичлар билан банд бўлади. У айникса, янгилашиш, ўсиш, ўзгариш фасли бўлган

бахорда кўнгли ярим, ўксик бир кайфият билан қалам тебратиш, қўлам билан бирга элимизга бир кўкариш келишини кўмсайди. Баҳорни энтикиб қутиш ҳар бир инсонга хос хусусият. Чўки баҳорда ҳар бир инсон киш заҳматидан қутилиб, ёруғликка, янгилашиш, шарош ва гўзаллашишга томон интилади. Одамларнинг ризқ-рўзига ҳам шу паллада тамал тоши қўйилади. Шу боис ғамирлаган жон кўкларга пешвоз чиқиб, унинг таралдудини кўради, дала ишларини зўр кўтаринчилик билан бошлаб юборади. Чўлпон ҳам кўплар қатори кўкларни эрзиқиб қутади.

У ўзгалар қатори куруқ ёғочга айланган даракларга қараб, унинг кўкаришини соғинади. Шундай кезларда ўзига кўк қўйлақ тикиб қийиш арафасида турган даракларнинг эртаиндин уйғонилиши кўмсайди. Зўкко шоир баҳор келаятганлигини қишдаги гуноҳларини унутиб, узр айтмасдан учиб кетаятган қаргаларнинг хатти-ҳаракатидан ҳам пайкайди. Боглар, экинзорлар оралаган шоир эртаиндин гул худидан ризқ эмиб уйғонувчи жониворлар ўрмалаб қолишларини кўз олдига келтириб, ажойиб заъф уйғотилади. Эртаиндин жамики мавжудот сезгиларини қитикловчи ифор гуллар буй таратиб «биз ҳам йўлга чиқдик» дея ўз чопларини юборадидилар. Бироқ ана шу тансиқ фасл ҳам элнинг майиб қилинган турмушини йўлаган шоир учун жуда тоқ келади. Бечора халқ шу

паллада ҳам рўшнолик кўрмайди. Улар очлик, ўлим, йўқотиш, касаллик занжирига маҳкум қилинган. Шоир кўклар юртимизга бир кўкариш руҳи келганидагина татийдиган бўлишини айтади:

**...Кўклар билан юртимга ҳам бир кўкариш келсайди,
Кўнгуллар ҳам ҳаволардан кўклар ҳиди берсайди,
Дилларга ҳам ҳаволардек кўклар руҳи кирсайди.**

Чўлпон шоир сифатида бўлар-бўлмас мавзудан шеър ясайверган эмас. Унинг энг кичик шеъри ҳам катта қалб, имон ва виждон билан ёзилди, халқ тақдирини билан чуқур боғланиб кетади. Масалан, «Тонг сирларини», «Уйғониш», «Буллоқлар» деб номланган тўпламларининг қайси бирини кўлга олманг, уларда акс этган ҳар бир шеърини сатр катта илҳом, катта дард ва шавқ билан ёзилганлигини англаймиз. Айникса, унинг «Буллоқлар» тўпламига кирган шеърларида эрқарварлик, ватанпарварлик, одампарварлик гоялари қайнаб-тошиб туради. Она-юрт табиати тасвирининг ҳар қайси тафсилоти шоир қалбини қон томирларига урилиб, ажабтовур журтпарварлик сазоларини кўкка таратади. Миллий, шахсий, ижодий эрксизликларга, зулми, истибод ва уларнинг асоратларига қарши кескин нафрат ва ғазаб оловларини сочади. Босқинчилик тўғрисида эл-юрт бошига тушган бало-қасодалар, дарду аямлардан чуқур изтиробга тушади:

**...Нима учун ёлварингни бир замон
Йўқ қилгундай темирли ўқ йўқ сенда**

Китобхон бундай сатрларни ўқиб, шоирнинг миллий, озодбахш нафасидан руҳан баҳра олиши тайин. У «Бузилган ўлка» шеърини мамлакатнинг сор-бургулларига мурожаат қилиб, «кўм-кўк гўзал ўтлоқ»ларини босиб янчаётган, «пода-йилқи»ларини қийратаётган душманга қарши курашишга қақиради. Уларни илҳомлантириш учун бир маҳаллар «от минганда учар қушни ҳам тутиб олувчи» алп йиғитларни ибрат қилиб кўрсатади. Чўлпон бу шеърда босқинчиликка қарши қатъий кураша оладиган, уларга «кет» дея оладиган авлодин тарбия қилишга уринади. Бу тарғиботлари билан шоир ҳар бир кишининг «кўзларида туташувчи олов ёқиш», душманга қарши бало селларини ёғдиришга интилади. Шу билан бирга инқилобий пўртаналар гирдобиде оғир жудолликка учраган, ғам-андух ва заҳмат чекаётган авлодга раҳнамо бўлиб, уларнинг кўзларидаги ёшларни сўриб олишга тайёр туради. Бироқ халқ гарданига урилган бу қишанларнинг заҳми Чўлпоннинг ҳам қисматига урилган заҳмлар эди. Буни шоир ўзи эътироф этади:

**Кишан, гавдамдаги излар бутун ҳам битгани йўқдур,
Темир бармоқларингни доғи буткул кетгани йўқтур.**

Шоирнинг бу байтдаги лирик қарамони унинг ёлғиз ўзини билдирмайди. Унинг ортида минг-миглаб азоб-уқубатларни тортган кенг халқ оммаси ётибди. Чўлпон шу халқ бўзғидаги халқани ўзиб ташламастан туриб, уни озодликка олиб чиқиш мумкин эмаслигини билади. Шу боисдан ҳам бутун Чўлпон кўйлаган гўя халқимизнинг ёрғу ва юксак уфқлар сари илҳомлантирмоқда.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари номзоди



ГИЁХВАНДЛИК ЙЎЛИГА ТЎСИҚ

БМТ гиёхванд моддаларга қарши кураш ва жиноятчиликнинг олдини олиш ташкилотининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори воситаларини стандартлаштириш ва экспертиза қилиш давлат марказига инсонпарварлик ёрдами юборди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда БМТ гиёхванд моддаларга қарши кураш ва жиноятчиликнинг олдини олиш ташкилоти Марказий Осиё ваколатхонаси билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. «Марказий Осиёда прекурсорлар назорати» деб номланган лойиҳа асосида наркотик моддаларни ноқонуний ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган моддалар экспертиза лабораторияларини замонавий ускуналар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилган. БМТ томонидан берилган 13 миң АҚШ доллари миқдоридеги замонавий лаборатория ускуналари ёрдамида наркотик ва психотроп моддаларни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган прекурсорларни экспертиза қилишда анча қулайликлар яратилди.

БМТ гиёхванд моддаларга қарши кураш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси ваколатхонаси вакиллари ҳамда Ўзбекистонлик мутахассислар инсонпарварлик ёрдами тарзида берилган лаборатория ускуналарида бажарилган илқ таҳрибаларни кўздан кечиришди. Мазкур урчашув давмида ҳамкорликнинг кейинги босқичида қилинадиган ишлар хусусида фикрлашиб олинди. Хусусан, юртимизнинг чегара худудларидаги яна бешта лабораторияни замонавий таъминлаш кўзда тутилаётганлиги айтиб ўтилди. Шунингдек, наркотик моддалар ва уларни тайёрлашда ишлатиладиган прекурсорларни экспертиза қилиш бўйича мутахассислар малакасини ошириш каби масалалар кўриб чиқилди.

«Туркистон-пресс»



И.ХАСАНОВ олган суратлар

КЕЛАЖАККА МАСЪУЛЛИК

Вилоятда биронта ҳам тўлиқ таъмирланмаган мактаб бўлмайдиган, дейишмоқда ҳомийлар ва қашқадарёлик маорифчилар

Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг иккинчи босқини давом этмоқда. Халқ таълимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув жараёни самардорлиги ва сифатини тақомиллаштириш таълим ривожини учун хизмат қилади.

Қашқадарё вилоти ҳокимлиги «Хароба ҳолатдаги умумтаълим мактабларининг ўрнига янги мактаб бинолари қуриш тўғрисида» қарор қабул қилди. Айни пайтда воҳадаги 1083 та мактабнинг 80 таси қуришга қолган, 503 таси таъмирталабни ана шундай ҳулосага келишни тақозо этади.

2002-2003 ўқув йилига яқин ясалиб натижалар чуқур таҳлил қилинди. Янги ўқув йилининг режалари аниқ белгилаб олинди. Ишлаб чиқилган тадбирларга мувофиқ 28 та мактаб қурилиши вилот қавлат қурилиш бошқармаси томонидан, яъни давлат бюджетни ҳисобидан амалга оширилади.

Таълим масканларини капитал таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан ўтган йилгидан 61,5 фоиз қўп, 737 миллион 667 миң сўм маблағ ажратилди. Барча мактабларга ҳомий ташкилотлар бириктирилган. Биринчи навбатда иситиш тизими, табиий газ ўтказиш тармоқлари қайта таъмирдан чиқарилади. Қўшимча сифт хоналари қурилади.

Косон туман таълим ва фан ходимлари касабга уюшма кўмитаси раиси Мурод Мўминов халқ таълимни мудирлигига тайинланган, асосий эътиборни моддий-техника базасини яхшилаш ва ўқув жараёнини ташкил этиш учун қулай шароит яратиш беришга қаратади. Мавжуд 93 та мактаб, 32 та мактабгача тарбия, 7 та мактабдан ташқари муассасалар ўзига хос кўриқдан ўтди.

Туман ҳокимининг қарорига асосан хароба ҳолатдаги 5 та мактаб ўрнига янги бинолар қуришга киришилди. Косон ёни қайта ишлаш очик ҳисдорлик жамияти ёрдамида Берди Ниёзов номли мактаб учун 120 ўринли янги бино қуриляпти.

«Кўнгиртўв» ҳужалиги худуддаги Мардон Қурбонов, Гувалак қишлоғидаги Б.Ниёзов, Булмасдаги Охунбойево, Уйрот қишлоғидаги Уйғун номли мактаблар қурилиши учун бирига 1 миллион 200 миң сўмлик лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш учун маблағ ўтказиб берилди. Косон пахта тозалаш очик ҳисдорлик жамияти, Муборак «Нефтянтраст» ташкилоти, Муборак «Исоқлик манбаи» қорхоналари ҳам бу савоб ишга қўл урдилар.

Вилотда 32 та билим даргоҳи ҳомий ташкилотларга бириктиб қўйилган. «Қаршиёв экстракция» очик ҳисдорлик жамияти Қарши туманидаги Форобий, вилот «Нефт маҳсулотлари» унитар қорхонаси Деҳқонobod туманидаги 33-Муборакнефтьга» унитар шўба қорхонаси Муборак туманидаги Мўқимий номли, «Шўртангазим» мажмуи Қироқчи туманидаги 71- «Шўртаннефтьга» унитар шўба қорхонаси шу тумандаги 13-мактаб қурилишини жадал сўраётганда олиб боришарди. Бир гуруҳ саховатли фермерлар Миришкор туманидаги Чандир қишлоғида жойлашган Холлиев номли умумтаълим масканини ўз маблағлари ҳисобидан қайта қуриш ташаббусини бошлади.

Бундай хайрли ишлардан ибрат ола арзийди. Бироқ, Қашаши туманида эзилмасдан зарар қўрган Чўлпон номли мактаб қурилиши бошланганига ўн йил бўлишига қарамасдан ниҳоятда етказилган йўқ. Деҳқонobod туманидаги 21 та мактабни қайта қуриш сўхбатини билан олиб бориляпти. Тумандаги 3.Ниёзов, Қироқчи туманидаги «Қўдала» ҳужалиғида жойлашган Увайсий номли мактаб бинолари қурилиши чала қолиб кетган.

Таълим масканлари ҳомийлиги бириктирилган «Қашқадарёпахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси, Нишон пахта тозалаш ҳисдорлик жамияти, Қарши-Термиз минтақавий темир йўл боғланмаси сингари йирик ташкилот ва қорхоналар мактаблар учун янги бинолар қурилишига етарли даражада масъулият билан ёндошмаяптилар.

Таълим-тарбия самардорлиги ўқувчи ва ўқитувчиларга яратиб берилган шароитга боғлиқ, Билимлик, мустақил ва эркин фикрловчи ёшларни тарбиялаш мукддас бурч ҳисобланади. Зеро, баркамол авлод камол топадиган мактаблар фаолиятига эътиборни янада қучайтирилса нур устига аъло нур бўлур эди.

ИЗЗАТ ҲИҚМАТОВ,
«Ишонч» муҳбири

ҲАР ИККИ ҚУТБДА

Баҳс тобора қизиб бормоқда

«Агар келгуси тўрда «Нефтчи» — «Насаф» ва «Кизилкум» — «Пахтакор» учрашувлари ўтказилишини назарда тутадиган бўлсак, жангу жадал қизгин паллага кириб бораётганига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз».

Ушбу сатрлар аввалги ҳисоботимиздан. Очигига кўчи қолайлик, биз ушбу тўрда қандайдир қутилмаган (балки қутилган деб ҳам айтиш мумкин) натижага шохидлик қилишдан умидвор эдик. Йўқ, тарозу палласида деярли ҳеч қандай қалқиш юз бермади. «Насаф»ни ўз майдонига қабул қилган «Нефтчи» қийинчилик билан бўлса-да ўз мақсадига эришди — 2:1. Мехмонда тўп сурган «Пахтакор» эса «Кизилкум» фут-

болчилари қаршичилигини енгиб, 4:2 ҳисобида устун келди. Шундай қилиб, чемпион тўплар сонига кўра ҳам пешқадамликни кўлга олди. Кизиғи шундаки, турнир жадалининг қуйи қутбиде ҳам худди юқоридеги каби муросасиз баҳслар давом этишмоқда. Одатда ҳар бир жамоа эҳтимоллар назариясини инкор этмаган ҳолда барибир истиқбол режаларини тузиб олади. Хусусан, «Трактор» клуби ҳам «Анджонни» ўз

майдонига қабул қилишдан анча олдин қайлаш уч очко соҳиб бўлишни кўзда тутган эди. Майдон текис, тўп думалок, дейдилар. Уйин барча режаларга тўзатиш киритди. Тракторчилар 1:1 ҳисобидаги

дуранга имзо чекишдан бошқа илож топа билмадилар. Агар жамоа биринчи давранинг сўнгги уч урчашувини «Наваҳор», «Нефтчи» ва «Самарқанд-Д» — «Бухоро» — 2:3, «Наваҳор» — «Кўкон-1912» — 5:1, «Гулистон» — «Дўстлик» — 2:1, «Машъал» — «Цементчи» — 2:1, «Металлург» — «Сурхон» — 2:0.

12-турдан кейинги вазият

	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	12	11	1	0	35-8	34
2. «Нефтчи»	12	11	0	1	34-7	33
3. «Кизилкум»	12	7	2	3	22-13	23
4. «Насаф»	12	7	1	4	23-15	22
5. «Сурхон»	12	6	2	4	15-15	20
6. «Наваҳор»	12	5	4	3	19-12	19
7. «Дўстлик»	12	5	3	4	14-17	18
8. «Машъал»	12	4	2	6	16-12	18
9. «Металлург»	12	4	2	6	15-23	14
10. «Бухоро»	12	4	1	7	19-22	13
11. «Самарқанд-Д»	12	4	1	7	17-20	13
12. «Анджонни»	12	3	3	6	11-13	12
13. «Трактор»	12	3	3	6	15-30	12
14. «Цементчи»	12	3	2	7	12-20	11
15. «Гулистон»	12	3	1	8	9-27	10
16. «Кўкон-1912»	12	2	0	10	13-33	6

ISHONCH
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Давриёв»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эшонбоев, Қудратилла Рафиев, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.50

Маълумият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қилувчиси: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.
Тиражи: 17449
Буюртма Г— 373.
1 2 3 4 5 6